

УДК: 330.5.055.2.

**Сатторкулов Обидкул Турдикулович,
заведующий кафедрой «Экономика»**

**Гулистанского государственного университета,
кандидат экономический наук, доцент
Республика Узбекистан, г. Гулистан**

МЕСТО И РОЛЬ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УСЛОВИЯХ НОВЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ

Аннотация: В данной статье определена роль цифровой экономики в нашей стране, ее формирование и факторы, влияющие на нее, раскрыта сущность цифровой экономики как экономическая категория. На основе аналитических материалов описаны основные направления развития цифровой экономики и ее проблемы, а также даны необходимые предложения.

Ключевые слова: цифровая экономика, коммуникация, умные технологии, интернет-торговля, цифровизация, онлайн-заказ, информация, научные исследования, виртуальная среда.

**Сатторкулов Обидкул Турдикулович,
Гулистон давлат университети ,
Иқтисодиёт кафедраси мудири,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент .**

ЯНГИЧА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг тутган ўрни, шаклланиши ва унга таъсир этувчи омиллар, рақамли иқтисодиётни иқтисодий категория сифатида моҳияти ёритиб берилган. Рақамли иқтисодиётни ривожланиш йўналишлари ва ундаги муаммолар таҳлилий материаллар асосида баён қилинган ҳамда зарурӣ таклифлар берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, коммуникация, ақлли технология,

интернет-савдо, рақамлаштириш, онлайн-буортма, ахборот, илмий-тадқиқот, виртуал муҳит.

Sattorkulov Obidkul Turdikulovich,
Head of the Department of Economics
Gulistan State University,
Candidate of Economic Sciences, Associate Professor
Republic of Uzbekistan, city Gulistan

THE PLACE AND ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN THE CONDITIONS OF NEW ECONOMIC RELATIONS

Abstract: This article defines the role of the digital economy in our country, its formation and the factors influencing it, and reveals the essence of the digital economy as an economic category. Based on analytical materials, the main directions of development of the digital economy and its problems are described, and the necessary proposals are given.

Key words: digital economy, communication, smart technologies, online commerce, digitalization, online ordering, information, scientific research, virtual environment.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2022 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2023 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг устувор ўйналишларига бағишлиңган Мурожаатномада “...ракамли иктисолиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошкаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, замонавий инфратузилмани қўллаш муҳим ахамиятга эга” деб алоҳида таъкидлаб ўтилган [Error: Reference source not found]. Фарб бизнеси янги коммуникация воситаларини биринчилардан бўлиб, фаол ўзлаштириб олди, мумкин бўлган хамма нарсани рақамлаштириди, хукumatдан электрон

рақамли имзони қонунчилік билан расмийлаштиришга эришди, нафакат бизнес-хамжамият ичида, балки давлатда хам рақамли алоқаны йўлга қўйди, давлат идоралари хам ўз ахборот тизимларини аста-секинлик билан интеграция қилдилар.

Иқтисодий ва технологик тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлаётган рақамли инқилоб инсоният хаётини шиддат билан ўзгартириб, кенг имкониятлар яратиш билан бирга, халқаро рақобат майдонининг янада кескинлашув даврини бошлаб берди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида таъкидлаб ўтилганидек, “...илмий-тадқиқот, таълим ва ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатишни ўзаро боғлайдиган қишлоқ хўжалигига оид билим ва ахборотларни тарқатиш бўйича самарали тизимнинг йўқлиги соҳани илмий асосда ривожлантиришдаги энг жиддий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирда илмий-тадқиқотлар учун давлат инвестициялари даражаси қишлоқ хўжалиги умумий бюджетининг 0,2 фоизини ташкил этади. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги давлат томонидан молиялаштирилган илмий-тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий қилишни сезиларли даражада чекламоқда” [3].

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шархи (таҳлили).

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида хорижлик иқтисодчи олимлардан Беккер Г., Гэлбрейт Дж., Грамков Х., Кейнс Дж.М., Норт Д., Макконел К.Р., Брю С. ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича таҳлил қилинган [4]. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш муаммолари МДҲ олимлари Ачаповская М., Батракова А.Г., М.И.Столбова, Е.А.Бренделева, Маркова В.Д., Лапидус Л.В., Довбенко М.В., Осик Ю.И., Дубровин, И.А., Котов В., Новак А.Е., Толкачева С.А. ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган [5]. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Абдуллаев О.М., Фаттахов А.А., К.Ахмедов., Ваҳобов А.В., Абдуллаев Б.С., Акрамова

Ш.Ф., Ахмедов Ф., Ахмедов У.Қ., Бадалов Дж.Ш., Беркинов Б.Б., Ваҳобов А.В., Джураев Т.Т., Салимов Б.Т., Гойибназаров Б.К., Юлдашев Д.Т. ва бошқаларнинг илмий изланишларида такрор ишлаб чиқариш жараёнида уй хўжаликлари салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг назарий жиҳатлари ёритилган [6].

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини махаллий ва ҳорижий олимларнинг "Рақамли иқтисодиёт", ахборотлашган жамият ва ахборот-коммуникация технологияларига бағишлиланган илмий изланишлари натижалари, ушбу соҳада қабул қилинган Президент қарорлари ва хукумат дастурлари асос бўлди. Илмий мақолада кўтарилилган муаммони атрофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишида илмий абстракция, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик каби усуслардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар мухокамаси

"Рақамли иқтисодиёт" атамаси биринчи бўлиб 1995 йилда Дон Тепкотт муаллифлигида чоп этилган "Рақамли иқтисодиёт: тармоқда интеллект асрида ваъда ва хавф-хатар" (The Digital Economy: Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence) нашрида алоҳида тушунча сифатида эътироф этилган. Иқтисодий жараёнларни рақамлаштириш нафақат бевосита ахборот-коммуникация тармоғини, балки мамлакат хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини хам қамраб оладиган кенг қамровли тенденцияга айланиб бормоқда. Интернет-савдо, рақамли қишлоқ хўжалиги, "ақлли" электртармоқ

тизимлари, учувчисиз транспорт, шахсийлаштирилган соғлиқни сақлашда рақамли иқтисодиёт инқилоби кучли ҳис қилинмоқда.

Рақамли иқтисодиёт - бу ғоя Жаҳон банки томонидан 2016 йил "Жаҳон тараққиёти хақида маъруза - 2016: рақамли дивидендлар" маърузасида

маълум қилинган. Жаҳон банки мамлакатда рақамлаштиришнинг очиқ маълумотлар, электрон ҳукумат тизими, “Яндекс” ва “Касперский” каби рақамли гигантлар, онлайн-буортма хизматлари, ахборот технологиялари ёрдамида мулк ҳукуқини рўйхатдан ўтказиш муддатининг 10 кунга қисқариши каби белги-ларини кўрсатади. Бундай шароитларда алоҳида компаниялар, минтақалар, мамлакатлар ва уларнинг бирлашмалари технологиялар, товарлар ва хизматларнинг янги турлари бозорларида янги шаклланадиган узоқ муддатли рақобатли устунликларни таъминлашга интилиб, рақамли иқтисодиёт соҳасида стратегик қарорлар шакллантириш ва амалга ошириш жараёнига фаол кириша бошлайди. Шу билан бир пайтда алоҳида тармоқлар ва мамлакат минтақалари кесимида рақамли иқтисодиёт афзалликларини амалга ошириш оқибатларини баҳолаш билан боғлиқ қатор масалаларни ҳал қилиш зарур. “Рақамли иқтисодиёт бу - реал воқеликни тўлдириб турадиган виртуал муҳитдир” [7].

Баъзи нашрларда рақамли иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмларига фундаментал инновациялар (яrim ўтказгичлар, процессорлар), асосий технологиялар (компьютерлар) ва боғловчи инфратузилмалар (интернет ва телекоммуникация тармоқлари) ажратиб кўрсатилади. Рақамли иқтисодиёт икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт - бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланниб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт - бу ўзига хос тушунча бўлиб, унинг ўрганиш обьекти ахборотлашган жамият ҳисобланади. Бугунги шиддат билан ривожланаётган глобал иқтисодиёт шароитида рақамли иқтисодиёт ўз ривожланишининг бошланғич даврида бўлиб, замонамизнинг рақамли ахборот босқичига ўтиши атига бир неча ўн йилни ташкил этади.

Умуман олганда, рақамли иқтисодиёт - бу жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида турли хилдаги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, товар ва хизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини

жиддий равища оширишга имкон берадиган, рақамли кўринишдаги маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили хисобланган фаолиятдир [10].

Замонавий тараққиётнинг кейинги истиқболида катта ҳажмли маълумотлар билан ишлаш технологиялари (Big Data), сунъий интеллект, нейротехнологиялар, квант технологиялари, буюмлар интернети, робототехника ва сенсорика, рақамли электрон платформалар, булатли ва мобил технологиялар, виртуал ва қўшимча реаллик технологиялари, краудсорсинг, блокчейн технологиялари, криптовалюталар ва ICO, 3D-технологиялари сингари рақамли технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Рақамли иқтисодиёт хозирги мавжуд соҳаларнинг ярмидан кўпроғида бекиёс ўзгаришлар келтириб чиқариши таъкидланмоқда. Жумладан, Жаҳон банки эксперtlари фикрича, тезкор интернетдан фойдаланувчилар сонининг 10 фоизга кўпайиши миллий иқтисодиётлар ялпи ҳажмини хар йили ўртacha 0,4-1,4 фоизга ошириш имконини беради [8].

Дунёда рақамли иқтисодиёт ўсишининг суръатлари йилига деярли 20 фоизни ташкил этмоқда. Тараққий этган давлатларда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички максулотдаги улуши 7 фоизга етган. Улар хозирнинг ўзида рақамли иқтисодиётнинг жорий қилинишидан жуда катта наф кўришмоқда. Хусусан, Америка Кўшма Штатлари йилига 400 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ рақамли хизматларни экспорт қилмоқда. Мазкур давлат ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизидан кўпроғи бевосита интернет ва ахборот-телеқоммуникация технологиялари билан боғлиқ соҳаларга тўғри келади. 2025 йилгача АҚШ саноатни рақамлаштиришдан қўшимча 20 трлн. доллар даромад олиши қутилмоқда. Бундай иқтисодий самарадорлик, айниқса истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (10,3 трлн. доллар), автомобиль саноати (3,8 трлн. доллар) ва логистикада (3,9 трлн. доллар) юқори бўлиши таъкидланмоқда. Турли тадқиқотлар натижалари бўйича рақамли иқтисодиёт-нинг дунё иқтисодиётидаги салмоғи 4,5 фоиздан 15,5 фоизгачани ташкил этади. Жаҳон ахборот-коммуникация технологиялари секторида

яратилаётган қўшилган қийматнинг деярли 40 фоизи ва блокчейн технологиялари билан боғлиқ патентларнинг 75 фоизи Америка Кўшма Штатлари ва Хитой Халк Республикаси ҳиссасига тўғри келади [7].

Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 13 февраль куни ахборот технологияларини ривожлантиришга бағишлиланган тадбирда келтирган статистик маълумотларига мувофик, АҚШда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички максулотдаги улуши 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Хиндистонда 5,5 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2 фоиздан хам ошмайди [9].

Рақамлашгиришнинг аҳамияти ва таъсирини қанчалик ортиб бораётган лигини баҳолаш учун сўнгги ўн йилликдаги бир нечта йирик технологик компаниялар ва рақамли платформаларнинг жаҳон бозоридаги капиталларининг улушини кўриш кифоя. Хусусан, БМТнинг савдо ва ривожланиш конференцияси маълумотларида қайд этилганидек, бу кўрсаткич 2009 йилда 16 фоизни ташкил этган булса, 2020 йилнинг охирига келиб 56 фоизга етган. Дунё хамжамиятида рўй берадиган бундай жадал ўзгаришлар ва рақобатнинг кескинлашуви жараёнида инновациялар ва рақамли технологияларни кенг жорий этмасдан туриб, яқин ва узоқ келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, унинг рақобатдошлигини таъминлай олмаслигимиз айни ҳақиқат бўлиб, бу эса, ўз навбатида, илмий ва амалий харакатларни кучайтиришни талаб этади. Бу борада, сўнгти йилларда миллий иқтисодиётимизни тубдан модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар доирасида мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий хаёти ва давлат бошқаруви тизимига рақамли технологияларни жорий этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [7]. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли қарори қабул қилиниши рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда мухим қадам бўлиб, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича қуйидагиларни назарда

тутувчи энг мухим вазифалар белгилаб берилди:

-инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларини диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг, смарт-контракт, консалтинг, эмиссия, айирбошлиш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, сугурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш) технологияларини жорий этиш;

-блокчейн технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини яхши тушунадиган, амалий иш қўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш;

-крипто-активлар бўйича фаолият ва "блокчейн" технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда зарур ҳукуқий базани яратиш;

-рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиилар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш [7].

Чунончи, мамлакатимизда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг ажralmas таркибий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади маъмурий тартиб ва тамойиллардан ўтишни соддалаштириш, ахоли турмуш сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик мухитини яхшилашга қаратилган. Белгилаб олинган асосий вазифалар ижросини амалга ошириш, шунингдек, мамлакатимизда рақамли жамият ривожланиши, ахоли ва тадбиркорлар учун қулай имкониятлар яратиш, бюрократик тўсиқлар ва коррупциявий омилларлардан холи самарали ва очиқ давлат бошқаруви тизимини ривожлантириш борасида кўзланган мақсадга эришиш учун бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиилар асосида янгилашни назарда тутадиган "рақамли иқтисодиёт" миллий концепциясини ишлаб чиқилаётган бўлиб, айнан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали ялпи ички маҳсулот

ҳажмини қўшимча 30 фоизга ўстириш имкони яратилиши кутилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологик ривожланиш шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини рақамли иқтисодиётсиз тасаввур қилиш қийин. Тадқиқотлар натижаларига кўра, 2022 йилга келиб глобал ЯИМнинг чорак қисми рақамли соҳада бўлишини тахмин қилинмоқда. Лекин, халқаро ахборот коммуникация технологиялари ривожлантириш индекси бўйича Ўзбекистон 170 дан ортик давлат ичидаги 103-йринни эгаллаб туришининг ўзи мамлакатимизда бу соҳада хали ўз ечимини кутаётган масалалар ва қилиниши лозим бўлган ишлар кўплигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, "...юртимиз халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилиган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқада. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш - келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиласидиган энг оғир иллат - коррупция балосини йўқотишида ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор. Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин" [2].

Ўз ўрнида қайд этиб этиш лозимки, мамлакатимиз хаётида рақамли иқтисодиётнинг айрим элементлари аллақачон муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, хужжатлар ва коммуникацияларнинг оммавий

равища рақамли воситаларга ўтказилишини хисобга олиб, электрон имзога рухсат бериш, давлат билан мулоқот қилиш хам электрон платформаларга ўтказилмоқда.

Дарҳақиқат, рақамли иқтисодиёт миқёсининг кенгайиб боришида халқаро ҳамкорликни имкон қадар кучайтириш зарур. Шу ўринда мамнуният билан қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда ахборот хавфсизлиги соҳасида олиб борилаётган таъсирчан чора-тадбирлар натижасида 2020 йилда Киберхавфсизлик глобал индексида 41 поғонага кўтарилиб, 52 ўринни эгалладик [7].

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, инсоният тараққиётининг хозирги даври ва яқин истиқболида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг сифат жиҳатдан ривожланиши рақамли технологияларни кенг жорий этиш билан бевосита боғлиқ бўлиб бормоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг истиқболи хам рақамли иқтисодиёт ривожланиши ва рақамли технологияларнинг қамров даражасига таянади [12]. Бунга эришиш учун рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қуидаги асосий шартлари ва устувор йўналишларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ, яъни:

- рақамли технологиялар барқарор фаолият кўрсатиши учун институционал муҳит ва рақамли инфратузилмани яратиш, давлат хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошка соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудини ривожланган мамлакатлар даражасида интернет глобал тармоғига уланиш имкониятлари билан имкон қадар тўлиқ қоплашни босқичма-босқич таъминлаш;
- кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш ва бу йўналишлар бўйича чуқур билимга эга малакали дастурчилар ва инженер-техник ходимларни этиштириш, таълим тизимининг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий ахборот технологияларини ўқитиш, шу жумладан, хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда "1 миллион дастурчи" лойихасини муваффақиятли амалга ошириш;

- рақамли иқтисодиёт соҳасида илмий-назарий базани мустаҳкамлаш ва бу соҳада "Рақамли ишонч" жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланган холда илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш;
- аҳолининг кенг қатламлари ўртасида "рақамли саводхонлик"ни тартиб қилиш ва кенгайтириш, уларни ахборот технологияларини ўзлаштиришга жалб қилиш мақсадида ўқув юртларида семинар, курслар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- рақамли иқтисодиёт соҳасида меъёрий-хуқуқий базани мустаҳкамлаш ва қонунчилик хужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, "стартап" тушунчаси, фаолияти, венчур фондлари орқали уларни молиялаштиришнинг хуқуқий асосларини яратиш;
- рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорини ташкил этиш ва унинг мобиллигини ошириш, янги технологияларни тезкорлик билан ўзлаштириш учун мутахассислар малакасини ошириб бориш;
- рақамли иқтисодиёт соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаккамлаш, етакчи халқаро технологик компаниялар билан ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, инновацион ишланмалар бўйича замонавий илмий-ишлаб чиқариш лабораторияларини ташкил этиш.

Халқаро тажриба шундан далолат бермоқдаки, бугунги кунда рақамли технологиялар асосан илмий ҳамжамият ва хусусий секторда жадал ривожланмоқда. Шунинг учун давлат, айнан, ушбу соҳаларда инновацион лойиҳалар ва IT- компанияларни қўллаб - қувватлаган холда қулай экотизимни яратиши лозим. Шунингдек, давлат инновацион ва рақамли экотизимни қўллаб-қувватлаш соҳасида рақамли таълимнинг замонавий методларини қўллаб-қувватлаши, инновацион хизматларни самарали тартибга солиш нормаларини ишлаб чиқиши, янги бозорларни ўзлаштиришда кўмаклашиши ҳамда технологик жараёнларнинг чуқурлашувида юзага чиқадиган рискларни пасайтириш чораларини кўриши мақсадга мувофиқ хисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
<https://president.uz/uz/lists/vievv>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/vievv>
- 3.“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармони
4. Беккер Г. «Человеческое поведение: экономический подход» «Москва: ГУ ВШЭ», 2003.-672с.; Гэлбрейт Дж. Новое индустриальное общество. Избранное. М.: Изд-во: «Эксмо». -2008.-608с.; Грамков Х. “Ведение бизнеса”, Обеспечение исполнения контрактов – Узбекистан и 5 стран – лидеров в 2019 г.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов.-М.: Эксмо, 2016.-255с.
5. Ачаповская М. Цифровизация экономики как драйвер инновационного развития. / Банкауски вестник, Сакавик 2019.; Батракова А.Г. Сбережения домашних хозяйств: сущность, группировки и роль в современной экономики // Деньги и кредит.-2006.-№11.;
6. Абулқасимов Ҳ.П. ва бошқ. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оиласи тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. / Монография.-Т.: “Университети”, 2015. ISBN –Б.54.; Ваҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида кўп укладли иқтисодиёт ва уни ҳосил бўлиши. –Т.: Молия, 2002.; Акрамова Ш.Ғ. Республикада инсон капиталини ривожлантириш жиҳатидан оиласи тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари. 28-29 мая 2018 г.; Абдуллаев О.М., Фаттахов А.А., К.Ахмедов. Рақамли иқтисодиёт. Т.: “LESSON PRESS, нашриёти 2020 йил - 686 бет;
7. Абдуллаев О.М., Фаттахов А.А., К.Ахмедов. Рақамли иқтисодиёт. Т.: “LESSON PRESS, нашриёти. 2021 й.
8. Республика давлат статистика қўмитаси маълумотлари. 2023й
9. press.secretary.uz
- 10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегияси"ни тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-6079-сон Фармони.
- 11.Сатторкулов О.Т. Основы формирования инновационной среды// Молодой учёный. №9 (299). Февраль 2020 г. 217-219 стр
- 12.Сатторкулов О.Т. Инновацион фаолиятини давлат томонидан қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш йўналишлари// Хоразм маъмун академияси ахборотномаси, №10/2, 2023. 156-163 бетлар.